

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1840-ҳадис

1840/5383 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تُوِّفِيَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ شَبِعْنَا

مِنَ الْأَسْوَدَيْنِ: التَّمْرِ وَالْمَاءِ.

1840.5383. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қора нарсага – хурмо ва сувга тўйган пайтимиз вафот этдилар».

Изоҳ: Хурмо қора бўлгани учун сувни ҳам унга ўхшатиб, «асвадайн», яъни «икки қора» дейилган. Араб тилида жуфт сўзларни бу шаклда бирининг сифатини иккинчисига ҳам ғолиб қилиб айтиш «тағлиб» дейилади. Масалан, «абавайн» – ота-она («икки ота»), «қомарайн» – ой ва қуёш («иккита ой») ва ҳоказо.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI